



THE CONCEPT AND LEGAL FRAMEWORK FOR PREVENTING CORRUPTION RISKS IN CRIMINAL PROCEEDINGS BEFORE COURTS OF FIRST INSTANCE

Hasan Khudoyberdiyev

Independent Researcher

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

Email: xasan.xudoyberdiyev2@icloud.com

Science ID: MQD-0726-0310

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: crime, judge, punishment, criminal case, corruption, corruption risks, liability, court, judicial proceedings, court hearing, criminal proceedings.

Received: 28.07.26

Accepted: 29.07.26

Published: 30.07.26

Abstract: This article examines the concept of corruption risks arising in criminal proceedings before courts of first instance and the essence of their prevention. It also analyzes the legal framework for preventing corruption risks that may arise during the adjudication of criminal cases in courts of first instance.

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДЛАРИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ҳасан Худойбердиев

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза

қилиш академияси, мустақил изланувчиси

xasan.xudoyberdiyev2@icloud.com

Илмий идентификация рақами: MQD-0726-0310

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: жиноят, судья, жазо, жиноят иши, коррупция, коррупциявий хавф-хатар, жавобгарлик, суд, муҳокама, суд мажлиси, жараён.

Аннотация: Мазкур мақолада биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда коррупциявий хавф-хатарлар келиб чиқиши ва олдини олиш тушунчаси баён этилган. Шунингдек, мақолада биринчи инстанция судларида жиноят ишини юритишда келиб чиқиши

мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни олдини олишнинг ҳуқуқий асослари таҳлил этилган.

ПОНЯТИЕ И ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ КОРРУПЦИОННЫХ РИСКОВ ПРИ ПРОИЗВОДСТВЕ ПО УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ В СУДАХ ПЕРВОЙ ИНСТАНЦИИ

Хасан Худойбердиев

Независимый исследователь

Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан

E-mail: xasan.xudoyberdiyev2@icloud.com

Научный идентификационный номер: MQD-0726-0310

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: преступление, судья, наказание, уголовное дело, коррупция, коррупционные риски, ответственность, суд, судебное разбирательство, судебное заседание, уголовный процесс.	Аннотация: В данной статье раскрываются понятие коррупционных рисков, возникающих при производстве по уголовным делам в судах первой инстанции, а также сущность их предупреждения. Кроме того, проведён анализ правовых основ предупреждения коррупционных рисков, которые могут возникнуть в процессе рассмотрения уголовных дел судами первой инстанции.
---	--

Кириш. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар аввало, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жамият ва давлат манфааларини ишончли ҳимоя қилиш билан бир қаторда жиноят процессининг ҳар бир босқичида коррупциявий хавф-хатарларни олдини олишга ҳам қаратилган.

Хусусан бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6127-сонли (1) Фармони фикримиз исботидир.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сонли(2) Фармонида ҳам сўнги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасидаги амалга оширилаётган

ислохотларда ҳам судларда ишларни кўрилишда коррупциявий хавф-хатарларни олдини олишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур Фармон билан тасдиқланган “2023 - 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли СТРАТЕГИЯСИ” нинг 3.8-банди айнан коррупцияга қарши курашиш бўлиб, унда судларда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва коррупцияга қарши курашишни изчил давом эттирилиши белгиланган.

Бундан кўринадики суд-ҳуқуқ ислохотларида айнан судлар томонидан коррупциявий хавф-хатарларни олдини-олиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, судларда ишларини юритишда коррупциявий хавф-хатарларнинг турли кўринишлари намоён бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида айнан биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда коррупциявий хавф хатарларни олдини олиш, ҳукмнинг қонуний, асосли адолати ва коррупциядан ҳоли бўлиши шартлигини кўрсатади.

Адабиётлар шарҳи: “Коррупция” латинча corruptio - яъни “айниш, порага сотилиш” деган маъноларни англатади ва - сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий хавфли ходиса(3).

“Юридик атамалар қомусий луғати”да коррупция тушунчасига “давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга ҳилоф равишда эгаллашига имкон бериши” (4) деб таъриф берилган.

Миллий қонунчилигимизда ҳам коррупция тушунчасига таъриф берилган бўлиб хусусан Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 1 мартдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонунининг айнан 3-моддасида коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этишлиги қайд этилган(5).

Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда коррупциявий хавф-хатарларни олдини олишга қаратилган ҳуқуқий асосларни гуруҳларга таснифлаш мумкин:

а) Миллий ҳуқуқий асослар (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Коррупцияга қарши курашиш қонунининг тўғрисида” Қонуни ва бошқалар);

б) Халқаро ҳуқуқий асослар (БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси ва бошқа бир қатор ҳужжатлар);

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 130-моддасида “Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади” (6) деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида” ги Қонунининг 62-моддасида судьянинг мажбуриятлари сифатида “коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига ва одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятига ғайриқонуний аралашига уринишларга қаршилик кўрсатиши ҳамда бундай ҳолатлар аниқланган тақдирда бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига хабар қилиши” қайд қилинган.

Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишнинг батафсил ва кенг қамровли ҳуқуқий асоси – бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (7) (кейинги ўринда амалдаги ЖПК деб юритилади).

Амалдаги ЖПКнинг 455-моддасида “Ҳукмнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт” деб кўрсатилган.

Юқорида кўрсатилган қонунчилик доирасида фикр қиладиган бўлсак, жиноят ишлари суд томонидан қонуний, асосли ва адолатли тарзда ҳал этилиши қонун билан аниқ белгиланган.

Аввало, жиноят ишини биринчи марта кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган суд инстанциясида қабул қилинадиган қарорларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки айнан биринчи инстанция судида далиллар текширилади, ҳуқуқий баҳо берилади ва айбдорлик ёки оқлов масаласи ҳал этилади.

Биринчи инстанция суди томонидан одил судловни амалга оширилиши, жиноят иши доирасида суд ишида раислик қилувчи томонидан тегишли тартибда ҳулосага келиниб ҳукм ёки ажримлар чиқарилши мумкин.

Бундан кўринадики яқуний ҳукми судья томонидан қонуний, асосли ва адолатли тарзда чиқарилиши ва жиноят ишининг тақдирий ричаги раислик қилувчи суд ва унга нисбатан таъсир ўтказувчиларнинг хусусиятларига боғлиқ бўлиб жиноят ишига раислик қилувчи суд томонидан коррупциявий хавф-хатарларнинг келтириб чиқариш эҳтимоли мавжудлигини кўрсатиб, одил судлов принципларига жиддий путур етказилишига олиб келиши мумкин.

Бу ўз навбатида биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда коррупциявий хавф-хатарларни олдини олишни тақозо этади.

Жиноят-процессуал қонунчилик ва суд амалиётида ҳукмга қўйиладиган классик талаблар сифатида унинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги эътироф этилади.

Ҳукмнинг қонунийлиги - суд қарорининг моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя этилган ҳолда қабул қилинишида намоён бўлади. Яъни, жиноят қонуни тўғри қўлланилиши, процессуал тартиблар бузилмаслиги, суд ваколати доирасида ҳаракат қилинган бўлиши лозим.

Ҳукмнинг асослилиги - суд хулосаларининг ишда тўпланган ишончли, етарли ва ўзаро боғлиқ далилларга таяниши билан ифодаланади. Суд ҳукм чиқаришда фаразларга, субъектив муносабатга ёки ташқи таъсирларга эмас, балки текширилган далилларга асосланиши шарт.

Ҳукмнинг адолатлилиги - жазонинг жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларга мутаносиб равишда белгиланишини англатади.

Жиноят-процессуал қонунчилик ва суд амалиётида ҳукмга қўйиладиган классик талаблар сифатида унинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги белгиланган. Бироқ ҳукмнинг коррупциядан ҳоли бўлиши шартлиги қонунчилик доирасида белгиланмаган.

Фикримизча ҳукмнинг коррупциявий хавф-хатарлардан ҳоли бўлиши — суд қарорини қабул қилиш жараёнида ғайриқонуний манфаатдорлик, таъсир ўтказиш, мансаб ваколатидан суиистеъмол қилиш, манфаатлар тўқнашуви каби ҳолатларнинг мавжуд эмаслигини англатади.

Бу талаб ҳукмнинг холис судья томонидан, ташқи ёки ички босимларсиз, шахсий ёки гуруҳ манфаатларини кўзламасдан, очиқлик ва шаффофлик тамойилларига мувофиқ ҳолда қабул қилинишини англатади.

Берген университети (Норвегия) профессори Сири Глопен (Siri Gløpen) суд тизимидаги коррупциявий ҳолатларни ўрганиб куйидагича тавсифлайди: “суд тизимидаги коррупция одил сулов холислигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ноқонуний таъсир шакллари ўз ичига олади ва ҳуқуқ-тартибот тизимининг ҳар қандай субъектига, шу жумладан адвокатлар ва суд ходимларига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳуқуққа хилоф қилмишдир” (8) деб таъкидлаган.

Демак ҳар қандай ноқонуний таъсир шакллари илдизида коррупциявий хавф-хатарлар бўлиб кўпинча, далилларни баҳолаш, жазо тайинлаш, процессуал қарорлар қабул қилиш босқичида юзага чиқади ва улар ҳукм мазмуни ташқи томондан қонуний кўринган тақдирда ҳам, унинг ички моҳиятига путур етказиши мумкин.

Олимлар ва тадқиқотчилар фикрига кўра, судьяга босим ўтказиш турли шаклларда бўлиши мумкин, жумладан, сиёсий, иқтисодий ва маъмурий таъсирлар. Масалан, Орли Эшенфелтер (Orley Ashenfelter), Теодор Эйзенберг (Theodore Eisenberg) ва Стюард Дж Шваб (Stewart J. Schwab) каби тадқиқотчилар судьяларга сиёсий таъсирларни ўрганиб чиқиб, уларнинг адолатли қарор қабул қилишини қандай қилиб хатарга қўйишини ўрганганлар. Уларнинг фикрига кўра, бундай таъсирлар судьяларнинг мустақил ва холис қарорлар чиқаришини чеклаб, сиёсий ёки бошқа манфаатларга хизмат қилишга мажбур этади (9).

Фикримизча ҳукмнинг қонуний, асосли, адолатли ва коррупциядан ҳоли бўлиши улар ўртасида қуйидаги принципаал фарқ мавжудлигини кўрсатади. Яъни, қонунийлик, аослилик, адолатлилик - ҳукм қандай чиққанини англатса, коррупциядан ҳоли бўлиш - ҳукм қандай йўл билан қабул қилинганини англатади.

Шу маънода, коррупциядан ҳоли бўлиш талаби - қонунийлик, асослилик ва адолатлиликни таъминловчи шарт, улар эса коррупцияга қарши талабнинг натижавий кўриниши сифатида намоён бўлади.

С.Роуз-Акерманнинг таъкидлашича, коррупция тизим ичида фақат ресурсга эга бўлиш эмас, балки бу ресурсни ноқонуний йўллар билан эгаллаш имконияти мавжуд бўлганида рўй беради.(10) Демак биринчи инстанция судларида жиноят иши юзасидан чиқарилган ноқонуний ҳукмлар чиқариш ана шу ҳолатнинг амалий кўринишидир.

Илмий жиҳатдан айтганда, ҳукмнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши - суд қарорининг ҳуқуқий сифат кўрсаткичи, ҳукмнинг коррупциявий хавф-хатарлардан ҳоли бўлиши эса ушбу сифатларни таъминловчи институционал ва процессуал кафолат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 455-моддасида ҳукмнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги кўрсатилган.

Демак Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда раислик қилувчи суд томонидан қонуний, асосли, адолатли бўлган ҳукм чиқарилиб, унинг коррупциявий хавф хатарлардан ҳоли бўлиши миллий қонунчилигимиз доирасида кафолатланмаган.

Фикримизча, амалдаги ЖПКнинг 455-моддасига ўзгартириш киритиб унда “ҳукмнинг коррупциядан ҳоли бўлиши” деб белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Муҳокама ва натижалар: Маълумки, биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини кўриб чиқиш жараёнида судья иш юритишнинг барча босқичларида турли процессуал ажримлар, қарорлар қабул қилади ҳамда иш якуни бўйича ҳукм чиқаради. Мазкур процессуал ҳужжатлар ишнинг кейинги ҳаракатига, далилларни баҳолашга,

тарафларнинг процессуал ҳуқуқлари таъминланишига ва якуний суд ҳукмининг мазмунига бевосита таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, коррупция хавфи фақат якуний ҳукм қабул қилинишида эмас, балки суд муҳокамасининг барча босқичларида қабул қилинадиган ҳар бир процессуал қарорда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Амалда суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги апелляция, кассация ёки тафтиш тартибида текширилиши мумкин. Бироқ мазкур текширувлар асосан процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларининг тўғри қўлланилганлигига қаратилган бўлиб, қарорнинг айнан коррупциявий хавф нуқтаи назаридан баҳоланишини назарда тутмайди.

Шу сабабли қонунчиликда суд ҳужжатларини коррупциявий хавфларга нисбатан мунтазам таҳлил қилиш, уларни баҳолаш ва мониторинг қилишга қаратилган алоҳида ҳуқуқий механизмнинг мавжуд эмаслиги муайян ҳуқуқий бўшлиқни юзага келтирмоқда.

Халқаро ҳуқуқий стандартларда ҳам судьянинг шахсий ҳалоллиги билан бир қаторда суд тизимида коррупциянинг олдини олишга хизмат қилувчи институционал кафолатларни яратиш муҳимлиги таъкидланади. Илмий адабиётларда суд мустақиллиги судьянинг шахсий виждонигагина эмас, балки шаффофлик, ҳисобдорлик, процессуал кафолатлар ва ташқи институционал назорат механизмларига ҳам таяниши лозимлиги қайд этилади. Шу маънода коррупцияга қарши самарали кураш фақат судьянинг шахсий инсофига эмас, балки қарор қабул қилиш жараёнининг очиқлиги ва баҳоланишига хизмат қилувчи ҳуқуқий институтларнинг самарали фаолиятига ҳам боғлиқ.

Илмий адабиётларда суд мустақиллиги судьянинг шахсий ҳуқуқи сифатида эмас, балки жамиятнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини таъминловчи институт сифатида баҳоланади.

Хусусан, судьялар одоб-ахлоқи соҳасида халқаро миқёсда энг нуфузли ҳужжатлардан бири бўлган “Commentary on the Bangalore Principles of Judicial Conduct”да суд мустақиллиги «судьянинг шахсий имтиёзи эмас, балки ҳар бир ишни қонун ва далилларга асосланиб ҳал қилиш имконини берувчи масъулият» эканлиги таъкидланган. Ушбу ёндашув судья мустақиллиги билан бир вақтнинг ўзида унинг ҳалоллиги, холислиги ва ҳисобдорлигини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар ҳам мавжуд бўлиши лозимлигини англатади.⁽¹¹⁾

Шунингдек, коррупцияга қарши кураш соҳасида замонавий илмий ёндашувларда коррупциявий хавфларни бартараф этиш жазолашдан кўра, уларни олдиндан аниқлаш ва профилактика қилиш орқали амалга оширилиши самарали эканлиги асослаб берилган. Мазкур ёндашув суд ҳокимияти фаолиятига ҳам татбиқ қилиниши лозим. Чунки суд муҳокамаси жараёнида қабул қилинадиган ҳар бир процессуал қарор коррупциявий хавф

нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши келгусида қонун бузилишларининг олдини олишга хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб, миллий қонунчиликда биринчи инстанция судлари томонидан қабул қилинадиган ажримлар, қарорлар ва ҳукмларни коррупциявий хавфлар нуқтаи назаридан баҳолаш мезонларини белгилаш, уларни мунтазам мониторинг қилиш ҳамда таҳлил қилишнинг ҳуқуқий механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фикримизча Биринчи инстанция судларида коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суд тизими таркибида судларда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тизимини ташкил қилувчи хизмат ташкил қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз.

Мазкур хизмат биринчи инстанция судларида ишларнинг кўрилишида суд аппарати ходимлари орасида коррупциянинг олдини олиш, шу жумладан, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш ва тартибга солиш учун масъул ҳисобланиб, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш, коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш чораларини кўриш, суд аппарати ходимлари фаолиятидаги коррупция бўшлиқларни аниқлаб, уларни бартараф этиш, ходимларнинг фаолиятини коррупциявий хавф-хатарлар юзасидан мониторинг қилиниши белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Бундай механизм, бир томондан, судья мустақиллигига аралашмаган ҳолда коррупциявий омилларни эрта аниқлаш имконини берса, иккинчи томондан, суд қарорларининг шаффофлиги, асослилиги ва жамоатчилик ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Айрим давлатларда жиноят ишининг юритишда коррупциявий хавф-хатарларни олдини олишда қонунчилик доирасида турли хил амалиёт мавжуд.

Хусусан Эстония Республикаси ЖПКнинг 156-моддасида суд мажлислари ва эшитувлар аудио ёзувга ёзиб олиниши шартлиги ва ведеоёзувга олиниши мумкинлиги белгиланган(12). Худди шу каби Корея Республикаси ЖПКнинг 562-моддаси жиноят иши бўйича судларда суд босқичлари аудио ёки ведео ёзувга олиниши белгиланган(13).

Бундан ташқари Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 310-моддасида суд мажлисини аудио ва видео ёзув ёрдамида ёзиб олиш мажбурийлиги белгиланган.(14)

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКнинг 19-моддасида судларда жиноят ишларини ошкора кўриш суднинг ташаббуси билан ёки жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномасига кўра аудио ва видеоёзувдан фойдаланган ҳолда, шунингдек видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин(15) деб белгиланган.

Бироқ мазкур норма суд мажлисларини аудио ва видеоёзув воситалари орқали мажбурий қайд этишни назарда тутмайди.

Бу эса суд муҳокамаси жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган процессуал қоидабузарликлар, иштирокчиларнинг ҳуқуқларини чеклаш ҳолатлари ҳамда коррупциявий омилларнинг юзага келиш хавфини тўлиқ бартараф этиш имконини чеклайди.

Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиқиб биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш—бу жиноят ишини кўриш жараёнида судьялар, суд аппарати ходимлари ва иш юритиш билан боғлиқ бошқа иштирокчилар фаолиятида коррупциявий ҳолатларни, баҳолаш ва бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, институционал ва ахлоқий чора-тадбирлар тизимидир.

Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритиш жараёнида коррупциявий хавф-хатарларнинг мавжудлиги одил судловнинг қонунийлиги, ҳолислиги ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатди. Бу эса ўз навбатида коррупциявий хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эгалигини кўрсатади.

Таҳлиллар асосида амалдаги Жиноят-процессуал кодексида ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигига оид талаблар билан бир қаторда унинг коррупциядан ҳоли бўлишига доир талабни ҳам мустаҳкамлаш зарурлиги асосланди. Шунингдек, суд мажлисларини аудио ва видеоёзув воситалари орқали мажбурий қайд этиш, биринчи инстанция судларида суд қарорларини коррупциявий хавфлар нуқтаи назаридан мунтазам мониторинг қилишни татбиқ этилиши биринчи инстанция судларида жиноят ишларини кўриш жараёнининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини оширишга, суд қарорларининг ҳолислиги ва жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашга, энг муҳими, одил судловни амалга оширишда коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. https://lex.uz/search/nat?form_id=3973&actnum=6127&lang=3
2. <https://lex.uz/docs/6358976>
3. Ўзбекистон Юридик энциклопедияси/ Масъул муҳаррир Н.Тойчиев. –Т.: Адолат, 2009. – Б 264.
4. Юридик атамалар қомусий луғати. – Тошкент: Шарқ, 2003. –Б. 201.
5. Ўзбекистон Республикасининг“Коррупцияга қарши курашиш қонунининг тўғрисида” ги Қонунининг 3-моддаси.
6. <https://lex.uz/docs/6445145>

7. <https://lex.uz/docs/111460>
8. Siri Gloppen “Courts, corruption and judicial independence”. <http://surl.li/zfcqiy>
9. Politics and the Judiciary: The Influence of Judicial Background on Case Outcomes
Published in: Journal of Legal 10. Studies, vol. 24, no. 2 (June 1995). <https://goo.su/haMKceQ>
11. Rose-Ackerman, S. (1999). Corruption and Government: Causes, Consequences, and Reform. Cambridge University Press. – P.65.
12. United Nations Office on Drugs and Crime. Commentary on the Bangalore Principles of Judicial Conduct. Vienna: UNODC, 2007. Параграф 22; шунингдек қаранг: The Bangalore Principles of Judicial Conduct (ECOSOC Resolution 2006/23). ()
13. <https://www.riigiteataja.ee/en/akt/512122024002>
14. <https://elaw.klri.re.kr/e>
15. https://zakon.kg/law/upk-kr/?utm_source=chatgpt.com#st_310
16. <https://lex.uz/docs/111460>